

РАФБАТГА МУНОСИБ ХОДИМ

Бағдод туманиндағы 30-умумтағым мактабида үқиш билан бирга, 5-синфданоқ спортнинг кикбоксинг тури билан шуғулланиб, жисмоний имкониятларини ҳам ошириб борган Сардор Оқилов мактабнинг 9-синфини тамомлаб, Құқон автомобиль йүллари касб-хунар коллежининг автомобилларни ташкил қилиш ва ҳаракатни бошқариш йұналишига үқишга кирди.

Коллежни тамомлагач, туман ички ишлар бўлимнинг жамоат тартибини сақлаш бўлинмасида иш бошлади. Сардор Оқилов тез кунда ўз касбига бўлган садоқати ва масъулиятини намоён этди. Хизмат топшириқларини ўз вақтида бажариб, туман марказида жамоат тартибини сақлашга катта ҳисса қўша бошлади.

- Коллежни тамомлаганимдан сўнг Ички ишлар академияси қошидаги олти ойлик сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олдим, - дейди қаҳрамонимиз. -Таълим давомида мен ички ишлар тизимидағи ҳуқуқий - норматив ҳужжатларни, турли даражадаги байрамларни ташкил қилишда жамоат хавфсизлигини сақлаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш, шахсий таркиб билан ишлаш, фуқаролар билан иш олиб боришни ўргандим. Ўз ишининг устаси бўлган юқори лавозимли ички ишлар ходимлари томонидан ўтилган дарсларда меҳнат фаолиятимиз учун керакли бўлган барча билимларни олдим.

Бугунги кунда Сардор Оқилов шахсий таркиб билан ишлаш, оммавий тадбирларни ўтказиш бўйича турли даражадаги йўриқномаларни ишлаб чиқади. У туман марказидаги барча муассасалардаги тартиб ва хавфсизликка жавобгар.

Халқимизда “Юк кўтарган юзага чиқади” деган нақл бор. Хизмат фаолияти давомида 8 марта рағбатлантирилган Сардорнинг бу сафар ҳам хизматлари эътироф этилди. У пандемия даврида аҳоли хавфсизлигини ва осойишталигини сақлаш борасида олиб борган намунали ишлари учун “Меҳр-саҳоват” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ўзининг бу даражага етишида албатта у туғилиб, камолга етган оила мухити мухим роль ўйнаган. Дадаси Мансуржон aka Бағдод тумани тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими шифокори, онаси Маҳфузахон акушер-гинеколог. Уч нафар фарзанднинг тўнғичи бўлган Сардор укаси ва синглисига ҳам ҳар томонлама ўrnak бўлмоқда.

Шарифа МАДРАҲИМОВА.

2020-10-23 14:40:51